

**БАДИИЙ ТАРЖИМА** - инсон ижодий фаолиятининг мураккаб шакли бўлиб, бир тилда яратилган бадиий асарни унинг шакл ва мазмун бирлигини, кўркемлигини таъминловчи барча компонентларини саклаган холда иккинчи тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат мураккаб ижодий жараён.

Бадиий таржима миллий адабиётлар тараккиётига, халклар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ маифаатларига, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур жараён самараси бўлмиш юзага келган асар ҳам «бадиий таржима», «таржима» истилохлари орқали ифода этилади. Бунда аслиятнинг ўгирмаси бўлмиш иккиламчи матн назарда тутилади.